



MINISTRY OF CULTURE OF UZBEKISTAN  
FERGANA REGIONAL BRANCH OF UZBEKISTAN  
STATE INSTITUTE OF ART AND CULTURE

# ORIENTAL ART AND CULTURE

ISSN 2181-063X

SCIENTIFIC  
METHODICAL  
JOURNAL

#3, III/2020

KOKAND



MINISTRY OF CULTURE OF UZBEKISTAN  
FERGANA REGIONAL BRANCH OF UZBEKISTAN STATE INSTITUTE OF  
ART AND CULTURE

# ORIENTAL ART AND CULTURE

ISSN 2181-063X  
SCIENTIFIC METHODOICAL JOURNAL  
VOLUME #3, III/2020



KOKAND

**Editor in chief**

Usmonov Shamsiddin Yulchiboyevich  
*Associated Professor*

**Executive Secretary**

Turgunbaev Rashid Muxtorovich  
*MSE*

**Бош муҳаррир**

Усмонов Шамсиддин Юлчибоевич  
Доцент

**Масъул котиб**

Турғунбоев Рашид Мухторович  
МИТ

**Editorial board**

T.Mirzayev  
*Academician, Scientist-Folklorist*  
S.Mannopov  
*National artist of Uzbekistan, Professor*  
I.Yuldashev  
*Doctor of Philology, Professor*  
M.Juraev  
*Honored Worker of Culture, Doctor of Philology, Professor*  
R.Maksudov  
*Doctor of technical sciences*  
M.Abdullayeva  
*Honored mentor of youth of Uzbekistan, Professor*  
R.Shukurov  
*Candidate of Philology, Associated Professor*  
R.Xolmatov  
*Candidate of Historical Sciences, Associated Professor*  
K.Yuldashev  
*Honored Artist*  
G.Xolikulova  
*Candidate of Art Sciences*  
A.Eminov  
*Candidate of pedagogical sciences, Associated Professor*  
M.Xujaev  
*Member of the union of writers*  
E.Yuldashev  
*PhD of Art Sciences*  
O.Xasanov  
*PhD of Political Sciences*

**Таҳририят**

T.Мирзаев  
*Академик, фольклоришунос олим*  
С.Маннопов  
*Ўзбекистон халқ артисти, профессор*  
И.Йўлдашев  
*Филология фанлари доктори, профессор*  
М.Жўраев  
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари доктори, профессор*  
Р.Максудов  
*Техника фанлари доктори*  
М.Абдуллаева  
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, профессор*  
Р.Шукуров  
*Филология фанлари номзоди, доцент*  
Р.Холматов  
*Тарих фанлари номзоди, доцент*  
К.Йўлдашев  
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби*  
Г.Холикулова  
*Санъатишунослик фанлари номзоди*  
А.Эминов  
*Педагогика фанлари номзоди, доцент*  
М.Хўжаев  
*Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси*  
Э.Юлдашев  
*Санъатишунослик фанлари PhD*  
О.Хасанов  
*Сиёсатишунослик фанлари PhD*

**Founder**

Fergana Regional Branch of Uzbekistan State Institute of Art and Culture

**Таъсисчи**

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали

## Table of Contents/Мундарижа

### Art and Culture / Санъат ва маданият

1.	Тўра Мирзаев ТАНИҚЛИ АДАБИЁТШУНОС-ФОЛЬКЛОРИСТ	9
2.	Маматкул Жўраев «ШЕРДА» МАРОСИМИ ҚЎШИҚЛАРИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР	17
3.	Ammar Younas TRANSITION OF “SOCIALISM WITH CHINESE CHARACTERISTICS” TO THE ERA OF “ULTRA-SINOISM”	26
4.	Абдукаримов Жамолиддин “МУНТАХАБ АТ-ТАВОРИХ” АСАРИ МУАЛЛИФИ МУҲАММАД ҲАКИМХОН АМИР ШОҲМУРОД ҲАҚИДА	39
5.	Шаҳодатбону Имомназарова ЎЗБЕК ХАЛҚ ЎЛАНЛАРИДА ПОЭТИК ТИМСОЛЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ	45
6.	Mohira Safarova, Makhliyo Umarova THE PECULIARITIES OF LITERARY HERO IN COMPARISON WITH WALTER SCOTT AND ABDULLA KADIRII'S WORKS	50
7.	Ismoilova N. BOLALAR XOR JAMOALARIDA OLIV BORILADIGAN O'QUVTARBIYAVIY ISHLAR MAZMUNI	55
8.	Ш.Оманкулова БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	61
9.	Omonova Irodaxon Abdullayevna MAKTABDA SINFDAN TASHQARI O'QILGAN ASARLAR MUHOКAMASI DARSLARIDA SHUHRATNING “OLTIN ZANGLAMAS” ROMANINI O'QITISH VA QAHRAMONLARI TAHLILI	66
10.	Niyozmatov Abdullajon NAZAR ESHONQULNING “MOMOQO‘SHIQ” QISSASI BADIY TALQINI	71
11.	Sayram Sobirova KINO SAN'ATIDA OBRAZ TUSHUNCHASI	76
12.	Saltanatxon Aliyeva JANR - XILMA-XIL, MAQSAD YAGONA	81
13.	Xo'jamurodova Gulnoz Toshmahmadovna KASHTACHILIK SIRLARINI O'QUVCHILARGA O'RGATISHNING NAZARIY ASOSLARI	86
14.	Xo'jamurodova K. BO'LAJAK MUSIQA TA'LIMI O'QITUVCHILARINI XOR – DIRIJORLIGI FAOLIYATIGA TAYYORLASH ORQALI KASBIY KOMPETENTLILIGINI SHAKLLANTIRISH	92
15.	Xudoyqulova Gulshan BOBOMEROS QADRIYAT – USTOZ- SHOGIRDLIK AN'ANASI	97
16.	Mirzayeva Xumora Maxmud qizi DISTINCTIVE FEATURES OF VICTOR HUGO' S THE HUNCHBACK OF NOTRE- DAME (NOTRE-DAME DE PARIS)	101
17.	Н.Умарова, Н.Абдувалиева АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЗАЛЛАРИДА МАҚОЛ ВА ИБОРАЛАРНИНГ МАЪНОВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	105

18.	Dilnoza Cho‘liyeva, Azimjon Alarov VOLADA MUSIQIY DIDNI SHAKLLANTIRISH	112
19.	Хусен Хайруллоевич Джураев, Зухро Собировна Баротова БУХОРО ВА ЎРТА ОСИЁДА МИНИАТЮРА МАКТАБЛАРИ	116
20.	Камолитдин Умаров РОЛЬ НАСЛЕДИЯ ВЕЛИКОГО АЛИШЕРА НАВОИ В МИРОВОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ	121
21.	Rakhmanova Hayatxon Mannonovna, Alieva Zuxra Inomjon qizi, Mannonova Ziyodahon Abduhamid qizi THE FIRST INTERNATIONAL HANDCRAFTERS FESTIVAL KOKAND 2019	127
22.	Зоҳиджон Абдуназаров, Дехқонов Равшан МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИМИЗ ИШТИРОКИДА ЁШ АКТЁРЛАРНИ ТАСАВВУРИ ВА ДИҚҚАТИНИ ЧАРХЛАШ	134
23.	Жумабоев Наби Пардабоевич КАМОЛИДДИН БЕҲЗОДНИНГ ШАРҚОНА ТАСВИРИЙ САНЪАТ УСЛУБИ ВА АСАРЛАРИ ТАҲЛИЛИ	139
24.	Зоҳиджон Абдуназаров ТИМСОЛЛАР СИЙМОСИНИ ЯРАТИШ	146
25.	Очилова Айгул Худайбердиевна ЖЕЙМС ЖОЙС ПРОЗАСИДА АНАЛОГИЯЛАР ТИЗИМИ	151
26.	Н.Ж.Эшнаев, Т.Ғ.Маратов, Ғ.Мирзарахимова ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КИНО САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИДА ПСИХОПРОФИЛАКТИК ХИЗМАТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ	156
27.	Ш.Расулов ХАТТИ-ҲАРАКАТ САҲНА САНЪАТИ АСОСИ СИФАТИДА	166
28.	Ғофурова Муҳайё Абитджановна ЎЛЖАС СУЛАЙМОНОВ ШЕЪРЛАРИНИ ТАХЛИЛ КИЛИШ ОРКАЛИ ЁШ АВЛОДНИ ВАТАНПАРВАЛИК РУХИДА ШАКЛЛАНТИРИШ	172
29.	Ахмедова Д.О. ХОТИН-ҚИЗЛАР МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	177
30.	Mamadaliyeva Umida Isroiljonovna ONA TILI VA ADABIYOT DARSLARINI INNOVASIYON YONDASHUV ASOSIDA TASHKIL ETISH MAVZUSIDA TAYYORLAGAN MAQOLASI	182
31.	Қахрамон Исмоилов ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ТАСАВВУФ ТАРИҚАТЛАРИГА МУНОСАБАТ	187
32.	Худойбердиев Нозимжон Нематович ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ТАЛҚИНИДА АМИР ТЕМУРНИНГ ДАҲОСИ	194
33.	Эргашева Раъно Абдурасуловна АНТОНИО ЖЕНКИНСОН ЭКСПЕДИЦИЯСИ	205
34.	Болиев У. ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА ТАЛАБАЛАР ТАРБИЯСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ	213
35.	Nakimova Nasiba Imomovna BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINI PIRLS XALQARO BAHOLASH TADQIQOTLARIGA TAYYORLASH	218
36.	Axmedova Shahlo Olimdjonovna BOSHLANG'ICH SINFLARDA FAZOVIY FIGURALAR TUSHUNCHASI	226
37.	Ходжимуродова Ўғилой Қодир кизи РАСМИЙ БИЗНЕС ЖАНРЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ –ПРАГМАТИВ ТАВСИФИ	231

38.	Djurayeva Perdegul Saidovna XALQARO TADQIQOTLAR TAJRIBASIDA BOSHLANG'ICH SINFLAR O'QUVCHILARINI O'QISH SAVODXONLIGINI BAHOLASH	234
39.	Pardayeva Mamlakat Dexkonbayevna, Buranova Nodira Rasulovna FIZIKA FANINI O'RGANISHDA NAZARIY VA AMALIY BILIMLAR MUTANOSIBLIGINING AHAMIYATI	239
40.	Rakhimova Shahnoza Abdusharipovna TYPES OF ASSESSMENT: FORMATIVE ASSESSMENT	243
41.	Rakhimova Shahnoza Abdusharipovna, Ruzmetov Khursand Ravshanbekovich GROUP MEMBER ROLES	259
42.	Hasanova M.U., Jumanova M.G'. KREDIT – MODUL TIZIMI VA UNING AMALIYOTGA JORIY ETISH TAMOYILLARI (OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA MATEMATIKA O'QITISHDA)	264
43.	Tohirova Go'zal Sadullayevna O'QUVCHILARGA FIZIKA FANINI O'QITISHNING INNAVATSION USULLARI	271
44.	Nishonova Charos Saxijonovna ROSSIYA IMPERIYASINING O'RTA OSIYODA OLIB BORGAN MUSTAMLAKACHILIK SIYOSATI	279
45.	Raximova Ilmira Marksovna A DESCRIPTIVE APPROACH OF TRANSLATING IDIOMS AND PHRASEOLOGICAL UNITS INTO TWO DIFFERENT LANGUAGES	287
46.	Feruza Otanazarova Baxtiyorjon qizi UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA SINFLAR RAHBARLARINI O'QUVCHILAR BILAN ISHLASH METODLARI	291
47.	Ro'ziyeva Maftuna Jo'rayevna UMUMIY O'RTA TA'LIMNING DAVLAT TA'LIM STANDARTLARI ASOSIDA KIMYO FANIDA BELGILAB QO'YILGAN KOMPETENSIYALAR VA ULARNING AMALIY AHAMIYATI	295
48.	Isomiddinova Mastura Ikramovna UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA FIZIKA VA INFORMATIKA FANLARINI O'QITISHDA FOROBIYNING QOLDIRGAN ILMIY MEROSINI O'RGANISH VA O'QUVCHILAR ONGIDA MILLIY G'URURNI SHAKLLANTIRISH	299
49.	Allabergenova Oygul Komiljanovna "O'ZBEK TILINING IMLO LUG'ATI" KITOBINING O'ZI IMLOGA MUHTOJ!	304
50.	Xomidova Yulduz Sodiqjonovna HAR BIR MILLATNING O'ZLIGINI ANGLATADIGAN BU UNING ONA TILI VA ADABIYOTIDIR	307
51.	Nodirabegim Rahmonova NAVOIY ASARLARIDAGI ASTRONOMIK QARASHLAR	312
52.	Tuxtasinov Maqsadjon Murodjon o'g'li, Asqarova Munajatxon SAN'AT VA MADANIYAT SOHASI TALABALARI BILIMLARINI NAZORAT QILISHDA NOSTANDART TESTLARNING AFZALLIKLARI	320
53.	Mirxanova Gulandom Rustamovna RUS TILSHUNOSLIGIDA SINONIM SO'ZLAR O'QUV LUG'ATLARINING TADRIJIY RIVOJLANISHI	326
54.	Djumayeva Adiba Ilkomjonovna BOSHLANG'ICH SINFLAR O'QUVCHILARINI IJODIY MULOQOT QILISHGA O'RGATISH USULLARI	330

55.	Muqimova Muyassar Mahammadjonovna BOLANING GO`DAKLIK DAVRIDAGI RIVOJLANISHI TO`G`RISIDA. SHU HAQIDA YOZILGAN FIKRLAR MAJMUIGA PEDAGOGIK ILMIY DUNYOQARASH YUZASIDAN SHARH	334
56.	Mustafova Dilfuzaxon THE POSITIVE EFFECTS OF USING INFORMATIONAL AND COMMUNICATIONAL TECHNOLOGY IN EFL CLASSROOMS	342
57.	Umarova Nargizaxon Rustamovna, Mumtozbegim Karimjonova Anvarjon qizi O`XSHATISH KONSTRUKSIYALARINING O`ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	347
58.	Qurbonova Ozoda Ravshanovana O`ZBEK-INGLIZ ANTROPONIMLARINING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI	352
59.	Қодирова Д. М., Ахмедова З. ХОМИЛАДОР АЁЛЛАР ПСИХИКАСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ НИЗОЛИ ВАЗИЯТЛАР	358
60.	Рахматова Г.Т., Дадабаева В.Б. АКТУАЛЬНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРЕПОДАВАНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА В ГРУППАХ С НЕРУССКИМ ЯЗЫКОМ ОБУЧЕНИЯ В АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЯХ	363
61.	Qurbonova Feruza A`zamovna ADABIY TA`LIMDA INNOVATION PEDAGOGIK TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AMALIY ANAMIYATI	368
62.	Рахматуллаева Наргиза Бахтиёр қизи, Эрназарова Манзура Сапарбаевна БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ НУТҚИНИ, МУЛОҚОТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	373
63.	Сафарбоева Мохира 5-6 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШНИНГ НОСТАНДАРТ УСУЛЛАРИ	379
64.	Abdiyeva Komila Suvonqulovna TA`LIM SIFAT SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA XALQARO TAJRIBALARDAN FOYDALANISH	383
65.	Rasulova Dilfuza Saypullayevna TARIXIY MANBALARDA ZARAFSHON TOPONIMIKASI	390
66.	Rahimova Yulduz Abidovna, Tursunova Mahliyo Shuhrataliyevna ONA TILI DARSLARIDA "SO`Z BIRIKMASI" MAVZUSINI O`RGATISH	394
67.	Jabborova Gulchehra Mahmudovna YOSH AVLODNI MA`NAVIY BARKAMOL ETIB TARBIYASIDA ALISHER NAVOIY MEROSINING MUHIM ANAMIYATI	400
68.	Abdullayeva Feruza Sharipovna, Saidjonova Zulfizar Sobirjon qizi HUQUQIY ONG VA HUQUQIY MADANIYATNI YUKSALTIRISH DAVR TALABI	405
69.	Бобожонов Шавкат Улуғбекович БУХОРОНИ ЗИЁРАТ ҚИЛГАН АНГЛИЯ ЖОСУСИ	416
70.	Винтовкина Евгения Александровна «ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБУЧЕНИЯ КУЛЬТУРЕ РЕЧИ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ»	422
71.	Д.Рахматов ЖАМИЯТ МАФКУРАСИНИНГ ЎЗГАРИШИ ЁХУД САЛБИЙ ВА ИЖОБИЙ ТОМОНЛАРИНИ ЎРГАНИШ	425

72.	Махкамов Элёржон, Мусаев Достонбек ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ОТАШИН ВАТАНПАРВАР КУРАШЧИ ВА ХАЛҚНИНГ ЖАСУР ЎҒЛОНИ	432
73.	Ахмедова Дилдора СЕМАНТИК РАЗМЕТКА ТИЗИМИДА ТЕГ ГУРУХЛАРИ	440
74.	Муқимова Нилуфар ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАРАНГЛАРНИ ИФОДАЛАШДАГИ СЎЗ ИМКОНИАТЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ	445
45.	Тожибоева Дурдона Тахиржонова, С.И.Хусанова ВИРТУАЛ ТАЪЛИМ МУҲИТИДА “ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИ САМАРАДОРЛИГИ	449
76.	Д.Т.Исмаева ОТА-ОНАЛИК МАЪСУЛИЯТИНИНГ ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИГА ПСИХОЛОГИК ТАЪСИРИ	452
77.	Наврузов С., Саидова Санобархон П.П.ИВАНОВ “ХИВА ДАВЛАТ ҲУЖЖАТЛАРИ” ТАДҚИҚОТЧИСИ	457
78.	Бахшулло Нарзиев Насруллаевич, Нематова Раима Ражабовна ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШГА ОШИҚАЁТГАН АБУТИРЕНТЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАЁРГАРЛИГИ	461
79.	Rayimova Dilrabo Mirzaarabjonovna BOSHLANG' ICH SINFLARNING MATEMATIKA DARSLARIDA MILLIY MA'NAVIYAT TARBIYASI	466
80.	Ruziyeva Nazira Egamberdiyevna O'QISH DARSLARIDA O'QUVCHILARNI NUTQINI O'STIRISH USULLARI VA UNGA QO'YILADIGAN TALABLAR	471
81.	М.Рахимжанова, А.Фаттахова ЮРИСТ И СОВРЕМЕННАЯ ЛИТЕРАТУРА	478
82.	Кенжаева М.А. 6-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРДА ТАЯНЧ ВА ЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ	482
83.	Назокат Саидханова ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА “ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ” ҚОИДАЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ	489
84.	Ш.М.Улуғова ТАДБИРКОРЛАРНИНГ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК МОСЛАШУВИ ФЕНОМЕНЛАРИ	494
85.	Шахноза Зиямухамедова ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	500



## СЕМАНТИК РАЗМЕТКА ТИЗИМИДА ТЕГ ГУРУҲЛАРИ

Ахмедова Дилдора  
БухДУ

**Аннотация:** Мақолада семантик разметка мажмуига мансуб теглар ҳақида батафсил маълумот берилган. От, сифат, сон, олмош сўз туркуми морфологик белгисига қўшимча семантик теглар, уларнинг деривацион ва услубий баҳо характеристикаси мисоллар орқали изоҳланган.

**Калит сўзлар:** лексик-грамматик разметка, лексик-тематик разметка, услубий баҳо характеристикаси, деривацион характеристика, семантик разметка, константа, интерфейс.

## TAG GROUPS IN THE SEMANTIC SYSTEM SYSTEM

Axmedova Dildora  
BuxDU

**Abstract:** The article provides detailed information about the tags belonging to the semantic markup set. In addition to the morphological feature of the noun, adjectives, numerals, pronouns, semantic tags, their derivation and stylistic evaluation characteristics are explained by examples.

**Keywords:** lexical-grammatical marking, lexical-thematic marking, methodical evaluation characteristic, derivational characteristic, semantic marking, constant, interface.

Корпус лингвистикасида семантик разметка, унинг теглар тизими, тег категориялари, семантик теглаш муаммолари, кўпмаънолилиқ ва омонимлик муаммосини ечиш масаласига оид қатор тадқиқотлар вужудга келган. Жумладан, В.В.Куканова, А.А.Кретов, Г.И.Кустова, О.Н.Ляшевская, Е.В.Падучева, Е.В.Рахилина, Б.П.Кобрицов, Т.И.Резниковалар шу масалалар ечимига бағишланган қатор ишларни эълон қилишган. Санаб ўтилган олимлар рус, қалмиқ, бошқирд тили корпусларининг семантик разметкасига доир фикр билдиришган; корпус семантик параметр асосидаги қидируви, семантик разметкаси таҳлил қилинган. Қалмиқ тили корпуси тажрибаси шуни кўрсатадики, семантик разметка морфологик разметка асосида бажарилади: морфологик белгилар жадвалига яна тўртта устун қўшилган, бу устунлар сўзшаклнинг семантик хусусиятини ифодалайди. Қуйида семантик разметка мажмуини қалмиқ тили корпуси мисолида кўриб чиқамиз.

I. Лексик-грамматикразметка: сўз туркумига тегишлилик белгисини ички разрядларга бўлиш. Бу таснифни амалга оширишда тил грамматикасида мавжуд лексик-семантик классификациядан фойдаланиш мумкин. Корпус муаллифлари, одатда, теглар мажмуини инглиз тилидаги қисқартма ёки шартли белгилар билан шакллантиришади.

*От сўз туркуми морфологик белгисига қўшимча семантик теглар:*

1. r : p r o p e r – атоқли от:

1.1. n a m e – исм;

1.2. s u r n – фамилия;

1.3. p a t r – отчество;

1.4. g e o x – топоним;

1.5. o r g n – ташкилот;

2. r : a p p e l – турдош от:

2.1. c o n c r – нарса номи;

2.2. a b s t r – мавҳум от.

*Сифат сўз туркуми морфологик белгисига қўшимча семантик теглар:*

1. t : q u a l – аслий сифат;

2. t : r e l – нисбий сифат.

*Сон сўз туркуми морфологик белгисига қўшимча семантик теглар:*

1. o r d – тартиб сон;

2. c a r d – миқдор сон;

3. p a r – тақсим сон;

4. a g e – ёшни билдирувчи сон;

5. c o l – жамловчи сон.

*Олмош сўз туркуми морфологик белгисига қўшимча семантик теглар:*

1. p e r s – кишилик олмоши;

2. d e m – кўрсатиш олмоши;

3. q u a – белгилаш олмоши;

4. r e f l – ўзлик олмоши;

5. i n t e r – сўроқ олмоши;

6. i n d – гумон олмоши.

II. Лексик-тематикразметка: лексик-семантик гуруҳ, тўда аниқланади; бирликлар таксономик, мереологик, топологик муносабатда жойлаштирилади. В.В.Куканованинг фикрича, сўз семантикаси тил константаси саналади. Масалан, бир семантик гуруҳга турли туркумга мансуб бирликлар кириши мумкин.

III. Услубий баҳо характеристикаси: коннотацияни аниқлаш. Сўзнинг ижобий ёки салбий (агар мавжуд бўлса) оттенка билдириши аниқланади. (e v : posit; e v : neg).

IV. Деривацион характеристика: агар ясашиш ҳолати мавжуд бўлса, сўзшаклнинг ўзак-негизи, морфо-семантик сўз ясашиш гуруҳи аниқланади. Сўзнинг лексик-семантик хусусияти сўз ясашиш кўрсаткичлари билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, сўз –лик қўшимчаси билан тугаса, от/сифат туркумига, -чи билан тугаган сўз шахс билдирувчи сўзлар гуруҳига мансуб бўлади. Қалмиқ тилида ҳайвонлар ёши, жинсига кўра фарқланади, номланиши ҳам шундай хусусиятга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳайвон номлари тегларига қўшимча равишда t: animal: age, t: animal: gender; икки белги қўшилганда эса t: animal: age& gender теглари бириктирилади.

Барча сўз туркумларига тегишли бўлмаган таксонлар – бўлакни бирлаштирувчи *бутун* номи теглар тизимига киритилмаган: барча birlikларга бирдек тааллуқли бўлган семантик майдон номларигина фойдаланувчи интерфейсида кўринади.

Семантик теглашда энг асосий муаммо маълум birlikнинг контекстга қараб икки ва ундан ортиқ семантик гуруҳ/майдонга мансублик ҳолатини аниқлашдир. Сўз туркумлари ичидаги лексик birlikни тизимлаштириш шаклдан маънога қараб эмас, балки маънодан шаклга принципига ёндашуви асосида амалга оширилади: Туркум ичидаги ҳар бир сўз алоҳида изоҳланмайди (бундай изоҳлаш морфологик аннотациялашга хос), балки семантик майдон ёки гуруҳ/тўда аниқланиб, шу гуруҳга мансуб сўзлар йиғилади. Бундай ёндашув тил бирлигига тафаккур ва мулоқот birlikи сифатида қарашдан келиб чиқади.

А.А.Кретов А.Е.Кибрикнинг фикрига таянган ҳолда шундай хулосага келади: “Лексик ва грамматик семантика бир бутунлик ҳам эмас, алоҳида ҳам эмас. Лексик семантика – константа, грамматик семантика – ўзгарувчан. Лексик семантика бирламчи, грамматик семантика – ҳосилавий ҳодиса. Рус тили миллий корпуси семантик теглари тизими нисбатан оммалашган қарашни акс эттиради: семантик изоҳлар лексик ҳам эмас, грамматик ҳам эмас. Унинг асосий таксономи – сўз туркуми; у birlikнинг грамматик хусусиятини кўрсатиб туради. Предмет ва нопредмет отлар учун мереологияга тегишлилик (бутун-бўлак, элемент-кўплик), предмет отлари учун топология, феъллар учун каузация, предмет ва нопредмет отлар, сифат ва равиш учун баҳо оттенкаси каби семантик изоҳлар билан тўлдирилади”. Корпус (НКРЯ) семантик разметка тизими муаллифларининг фикрича, ҳар бир сўз туркуми семантик изоҳлар тизими ўзига хос. Ҳатто ҳар бир разряд: нарса, шахс, ўрин-жой отлари, сифатнинг семантик разметка тизими ҳам фарқланади.[3; 276-284]

Бир сўз туркуми семантик теглар тизими бошқа туркуми изоҳлай олиш/олмаслигини асосий изоҳлар тизими мисолида кўриб ўтаемиз.

*Snp t: action* фаолият, жараён, тадбир (аукцион, кеча, сайлов, туғилган кун, мажлис, йиғилиш, саёҳат) *ўзгарувчан hum.*

*Sp t: animal* ҳайвонот (сигир, жирафа, қарға, эчкемар, чумоли) *константа*.

*Snp t: color* ранг (ранг-тус, колорит, сарғайиш, яшариш) *ўзгарувчан*.

*Sp t: constr* бино ва иншоот (уй, чордок, кўприк) *ўзгарувчан*.

*Snp t: disease* касаллик (ангина, диабет) *ўзгарувчан*.

*Ss t: famn* фамилия (Пушкин) *ўзгарувчан*.

*Sp t: food* овқат ва ичимлик (пирог, бўтқа, сут) *ўзгарувчан*.

*Snp t: game* ўйин (покер, домино, волейбол) *ўзгарувчан*.

*Snp t: inter* ўзаро таъсир ва муносабат (ўзаро ёрдам, уруш, тўлғок, жанжал) *ўзгарувчан hum*.

*Snp t: param* ўлчам (баландлик, оғирлик) *ўзгарувчан*.

*Ss t: patrн* отчества (Шарипович) *ўзгарувчан*.

*Ss t: persн* исм (Алишер) *ўзгарувчан*.

*Sp t: plant* ўсимлик (райҳон, атиргул, ўт) – *константа*.

*Sp t: space* ўрин-жой (космос, шаҳар, тайга, ўрмон, чакалакзор, манзар).

Булардан айрими инсон аралашуви, айрими табиий ҳолатда яратилган, шунинг учун *ўзгарувчан* ва *константа*.

*Snp t: sport* спорт (спартакиада, акробатика, баскетбол) *ўзгарувчан*.

*Sp t: stuff* нарса ва материал (сув, қум, тупроқ, хамир, ипак) Булардан айрими инсон аралашуви, айрими табиий ҳолатда яратилган, шунинг учун *ўзгарувчан* ва *константа*.

*Snp t: taste* маза-таъм (мазали, аччиқ, нордон)

*Snp t: temper* температура (салқин, илиқ, иссиқ) *ўзгарувчан*.

*Sp t: text* матн (ҳикоя, китоб, эълон) *ўзгарувчан*.

*Ss t: topon* топоним (Европа, Волга, Эльбрус, Ҳимолай, Мовароуннахр) *t:natur:space:topon* (табиий топоним); Бухоро, Тошкент *t: hum: space: topon* (инсоният томонидан яратилган топоним) *ўзгарувчан* ва *константа*.

*Snp t: unit* ўлчов бирликлари (балл, килограмм, метр, дақиқа)

Адекват *t:time* теги билан бирга ушбу изоҳни аниқлаштирувчи *t:time:age* (ёш) ҳамда *t:time:age:abs* теглари ҳам ишлатилади. Бунда *t:time* теги доимий, ўзгармас вақт бирликларини билдирса, қуйидаги изоҳлар ушбу изоҳни яна ҳам аниқлаштириб кўрсатади:

А *t:time:age:abs* абсолют (уч яшар)

А *t:time:age:max* катта (тўнғич, қари, қадимий)

А *t:time:age:min* кичик (ёш, кичик)

А *t:time:age: ёш* (қари, ёши улўғ)

*Snp t:time:age: ёш* (болалик, ёшлик, йигирма йиллик).



### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Загорулько М.Ю., Кононенко И.С., Сидорова Е.А. Система семантической разметки корпуса текстов в ограниченной предметной области // <http://www.dialog-21.ru/media/1372/94.pdf>
2. Куканова В.В. Принципы семантической разметки национального корпуса калмыцкого языка // [http://kalmcorpora.ru/sites/default/files/kukanova\\_25.pdf](http://kalmcorpora.ru/sites/default/files/kukanova_25.pdf)
3. Кретов А.А. Анализ семантических помет в НКРЯ // <http://ruscorpora.ru/sbornik2008/11.pdf>
4. Ляшевская О.Н. Топологические классы имен в семантической разметке Национального корпуса русского языка // Труды международной конференции «Корпусная лингвистика-2008» (Санкт-Петербург, 6-10 октября 2008 г.). СПб.: С.-Петербургский гос. университет, Факультет филологии и искусств, 2008. С. 276-284.